
ХАСАН-ХУСАНЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Янги Ўзбекистон массивида қуриб битказилган янги кўп қаватли уйдан икки хонадоннинг калитлари Меҳрибонлик уйлари собиқ битирувчиларига давлатимиз раҳбарининг совғаси сифатида топширилди.

Президентимиз томонидан юртимизда “Инсон қадрини учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда

Ёзёвонлик Меҳрибонлик уйи собиқ тарбияланувчилари, айти пайтда Тошкент техника университети битирувчи курс талабалари Хасан-Хусан Муҳиддиновлар ҳам ушбу амалий ғамхўрлик натижасида ўз уйларига эга бўлдилар. Давлатимиз раҳбари томонидан ажратилган маблағ ҳисобига харид қилинган ва ўз номларига расмийлаштирилган хонадонлар калитларини туман ҳокими Дилшоджон Джалиловдан қабул қилиб олдилар. Юқори Сойбўйи маҳалла фуқаролар йиғини нуронийлари янги хонадон эгаларини муборакбод этишиб, дуолар қилдилар. Миллий гвардия Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Анваржон Мўсинов бу хайрли иш бошидан турган барчага миннатдорчилик билдирди.

Янги хонадон эгаларининг қувончлари бир олам, улар берилаётган эътибор ва ғамхўрликлар учун Президентимизга чексиз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-05-01 17:07:32